

Ёшлар ва экологик тарбия

Андижон машинасозлик институти “Тиллар” кафедраси катта

ўқитувчиси М.Абдурахмонова

Мақолада ёшлар ўртасида экологик таълим ва тарбияни амалга ошириш давр талаби эканлиги ҳақида фикр юритилган.

Маълум бир даврларда инсонлар онгига сингиб қолган “Инсон табиат устидан ҳоким, уни истаганча тасарруф қилиши мумкин” деган ақидалар нотўғри эканлиги, инсонлар табиат қонуниятларини ўрганиб, сўнг унга салбий таъсир кўрсатмайдиган даражада муносабатда бўлишлари лозимлиги айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: Экологик инқироз, экологик таълим, табиат муҳофазаси, экологик таълим, табиат муҳофазаси, экологик билим, экологик хавфсиз келажак.

В статье говорится о значении экологического образования в воспитании молодёжи на современном этапе. О том что молодые люди должны знать законы природы для того, чтобы отрицательно не воздействовать на неё.

Ключевые слова: экологический кризис, экологическое образование, защита природы, экологические знания, экологически безопасное будущее.

In the article the author says about the meaning of ecologic education in teaching of youth on present days. Young people, it is said in the article, must know laws of nature in order not to act negatively concerning the nature.

Key words: ecologic crisis, ecologic education, nature defense, ecologic knowledge, ecologic safe future.

Бугунги кунда фан-техника ва технологияларнинг тез суръатлар билан ривожланиши ҳамда инсон табиатга ҳоким, уни истаганча ўзгартириши, ўз иродасига бўйсундириши мумкин, деган нотўғри фикр охир-оқибат экологик инқирозга олиб келди. Экологик инқироз билан боғлиқ экологик

таълимни ривожлантириш мамлакатни тараққий этишининг энг муҳим шартларидан бирига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси биргаликда 2005 йил 7 ноябрда ишлаб чиққан “Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириши тизимини янада такомиллаштириш истикболлари ҳақида”ги дастури ва концепцияси экологик таълимнинг долзарблиги ва уни ривожлантирилишини муҳимлигидан далолат беради.

Бу концепцияда Ўзбекистон Республикасида узлуксиз экологик таълим ва тарбия тизимини ташкил этиш ва уни ривожланишини таъминлашни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, экологик таълимни мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб олий ўқув юртларида ҳам давом эттириш давр талаби эканлиги таъкидланган.

Ҳозирги кунда атроф муҳитни ҳимоя қилиш масаласи инсониятни яшаб қолиш масаласига айланган экан, ёшларга экологик таълим бериш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Табиатни муҳофаза қилиш инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни самарали бўлиши давлатимизнинг асосий Қонуни-Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган, яъни “Ер, унинг бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа ресурслар умумий бойлик ҳисобланиб, ундан оқилона фойдаланиш лозим, у давлат томонидан ҳимоя қилинади” дейилган.

Айни вақтда ҳам одамлар экологик билим даражасини пастлиги ва экологик маданияти ривожланмаганлиги туфайли ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндиларни атроф-муҳитга ташлаб, унумдор ерлардан, сувдан нотўғри фойдаланиб, иқтисодиётга ва инсонлар саломатлигига катта зарар етказмоқдалар.

Дунё бўйича атмосферага ҳар йили киши бошига 300 кг дан ҳар хил чиқиндилар чиқарилади, битта автомобиль йил мобайнида 300 кг захарли газларни атмосферага чиқаради. Америкадан то Европагача етиб келгунга қадар реактив самолёт 8 соат ичида 50-70 тонна кислород сарфлайди. Шунча миқдордаги кислородни эса, тахминан 25-30 минг гектар ўрмон 8 соат ичида ишлаб чиқара олади. Ваҳоланки, бугунги кунда дунё бўйича ёғочни қайта ишлаш саноати 1 секунда 40 гектар ўрмонни кесиш кудратига эга. Бу эса инсоният табиатга нақадар катта таҳдид солаётганлигини англатади. Мустақил давлатимизда экологик фалокатларни олдини олиш учун кўплаб боғ-роғлар, гулзорлар яратиш, ўсимликларни дарахтларни кўпайтириш, уларни зарарли ҳашоратлардан сақлаш ва касалликлардан муҳофаза қилиш ишларини умумхалқ ишига айлантириш даркор деб ўйлаймиз.

Зеро, 1 гектар ўрмон 18 млн. м³ ҳавони тозалаб туради. Ўрмон ҳавоси шаҳар ҳавосидан 200 марта тоза бўлади ва дарахтлар, буталар, ўтлар шаҳар ичидаги чангнинг 80%ини, сульфат ангидриднинг 60%ини ушлаб қолади.

Бўйи 25 метрли битта 80-100 ёшли бут дарахти 1 соатда 2 кг карбонат ангидридни ютиб, 2 кг кислород ишлаб беради. 1 гектар қарағайзор 32 тонна чангни ушлаб қолади.

Табиатни асраш, табиат инъомларидан тўғри фойдаланиш бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Улар қадимги даврларда ҳам табиат билан инсон ўртасидаги муносабатга оқилона ёндоша билганлар ва тупроқ, сув, ҳаво ғоятда улуғланиб, уларни ифлослантириш оғир гуноҳ эканлиги айтилган. Шарқ донишмандлари томонидан исботлаб берилган экологик тасаввурлар янги шаклланаётган экологик таълимимизга асос бўлади, деб ўйлаймиз.

Биз ёшларга экологик таълим берар эканмиз, табиатга эҳтиёж манбаи сифатида қарамасликка, инсон фаолиятининг маҳсули бўлган сунъийликни табиийликдан устун қўймасликни уларнинг онгига сингдирмоғимиз ва

уларнинг экологик тарбиясини, маданиятини, дунёқарашини ривожлантирмоғимиз зарур.

Инсониятнинг экологик хавфсиз келажаги учун барча баробар жавобгар эканлиги, айниқса ёшлар ўз келажаги учун бугундан курашишлари зарур эканлигини ҳар бир фан ва ҳар бир дарсда улар онгига сингдириб боришимиз зарур.

Фойдаланган адабиётлар.

1. А. Эргашев Умумий экология “Ўзбекистон” нашриёти, 2003 йил
2. И. Хамдамов, З. Бобомуродов , Е. Хамдамова Экология “Фан ва технология” нашриёти 2009 йил
3. Р. Султонов. Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш асослари
4. Ўзбекистон Давлат консерваториясининг “Муסיқа” нашриёти” 2007 йил.

